



**Д.У. СУФИЕВА**

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
PREZIDENTI SAYLOVIDA  
XALQARO (XORIJIIY)  
KUZATUVCHILARNING ISHIROKI**

**УЧАСТИЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ  
(ИНОСТРАННЫХ) НАБЛЮДАТЕЛЕЙ  
В ВЫБОРАХ В RESPUBLIKE  
УЗБЕКИСТАН**

ТОШКЕНТ  
«O'ZBEKISTON»  
2016

УЎК: 342.573  
КБК 67.400.5(5Ў)

Ў 32

**Д.У. СУФИЕВА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИДА  
ХАЛҚАРО (ХОРИЖИЙ)  
КУЗАТУВЧИЛАРНИНГ ИШТИРОКИ**

**УЧАСТИЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ (ИНОСТРАННЫХ)  
НАБЛЮДАТЕЛЕЙ В ВЫБОРАХ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН**

Мухаррирлар: *Д. Хусанова, Н. Хашимова*  
Рассом-дизайнер *Ш. Ходжаев*  
Бадий мухаррир *Ҳ. Қутлуқов*  
Техник мухаррирлар: *Т. Харитоновна*  
*Мусахҳиҳ Ш. Шоабдурахимова*  
Кичик мухаррир *Г. Ералиева*  
Компьютерда тайёрловчи *А. Сулаймонов*

Нашриёт лицензияси АИ № 158, 14.08.09.  
Босишга 2016 йил 28 октябрда рухсат этилди. Бичими 60x90<sup>1/16</sup>.  
Офсет қоғози. «Times» гарнитурасида офсет усулида босилди.  
Шартли босма табағи 2,5. Нашр табағи 2,32.  
Адади 10 000 нусха. Буюртма № 16-692.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«O‘zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-84-20  
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10

*e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)*  
*[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)*

ISBN .978-9943-28-882-9

© Ўзбекистон Республикаси  
Марказий сайлов комиссияси  
© Д.У. Суфиева, 2016  
© «O‘ZBEKISTON» НМИУ, 2016

---

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ**  
**САЙЛОВИДА ХАЛҚАРО (ХОРИЖИЙ)**  
**КУЗАТУВЧИЛАРНИНГ**  
**ИШТИРОКИ**

Сайловларни кузатиш демократик ислохотларни амалга ошириш жараёнларида муҳим роль ўйнайди. Сайлов демократиянинг ажралмас белгисидир, шу боис сайлов жараёнларига нисбатан жамоатчилик ишончини юзага келтириш демократик давлатни шакллантиришнинг энг муҳим шарти ҳисобланади. Бундан ташқари, амалдаги миллий қонунчилик ва халқаро стандартларга мувофиқ сайлов жараёнининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳукукий давлатнинг ажралмас белгиси сифатида намоён бўлади. Сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш жараёнида ошкораликни таъминлашда муҳим роль ўйновчи – кузатув институти, хусусан сайловларни халқаро (хорижий) кузатиш бутун дунёда кенг эътироф этилган.

Сайлов жараёнлари мониторингини ўтказишнинг амалий аҳамияти шундаки, кузатув давомида сайловни ўтказиш жараёнида юзага келадиган, шу жумладан, сайлов қонунчилигининг турли тарзда бузилиши билан боғлиқ муаммолар ўрганилади. Олинган натижалар асосида аниқланган камчиликларни бартараф этишга қаратилган тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

Шундай қилиб, сайлов жараёнлари устидан мониторингни амалга оширишдан асосий мақсад сайловларнинг демократик асосда ва миллий қонунчилик ҳамда халқаро стандартларга тўлиқ мувофиқ ҳолда ўтказилишини таъминлаш ҳисобланади.

Сайловларни халқаро кузатиш салоҳияти билан қоидабузарликларга ва сохталаштириш ҳолатларига йўл қўймаслик ва уларни ошкор қилиш, шунингдек сайлов жараёнини яхшилаш бўйича тавсиялар бериш орқали сайлов жараё-

нининг нуфузини ошириши мумкин. У, зарурат бўлган тақдирда, жамоатчилик ишончини оширишга, сайловчиларнинг фаолроқ иштирок этишига кўмаклашиши ва сайлов билан боғлиқ низолар вужудга келиши эҳтимоли бўлган омилларни заифлаштириши мумкин. У демократия ривожланиши тўғрисида тажриба ва ахборот алмашиш йўли билан халқаро даражада хабардорликни оширишга ҳам хизмат қилади<sup>1</sup>.

Халқаро кузатувчиларнинг мақоми ва ваколатлари белгиланган қўйидаги асосий ҳужжатлар халқаро кузатув институтининг ҳуқуқий асосини ташкил этади:

1. БМТнинг 2005 йил 27 октябрда қабул қилинган Сайловларни халқаро кузатиш принциплари тўғрисидаги декларацияси, унга Сайловларни халқаро кузатувчиларнинг ахлоқ кодекси илова қилинган;

2. ЕХХТнинг 1990 йил 29 июнда қабул қилинган Инсонийлик мезонлари бўйича конференцияси Копенгаген кенгаши ҳужжати. Мазкур ҳужжатнинг 8-бандида шундай таъкидланади: «Иштирокчи-давлатлар ҳам хорижий, ҳам миллий кузатувчиларнинг ҳозир бўлиши сайлов ўтказиладиган давлат учун сайлов жараёнининг обрўсини ошириши мумкин, деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун улар ЕХХТда иштирок этувчи ҳар қандай тегишли муассаса ва ташкилотлардан кузатувчиларни қонун йўл қўядиган даражада миллий сайлов боришини кузатиш учун таклиф қиладилар. Худди шунингдек, улар умуммиллий даражадан пастроқ даражада ўтказиладиган сайлов жараёнларида иштирок этиш учун ҳам кўмаклашишга ҳаракат қиладилар. Бундай кузатувчилар сайлов жараёнига аралашмаслик мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар»;

3. МДХ иштирокчи-давлатлари Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 2004 йил 26 мартдаги қарори билан тасдиқланган

---

<sup>1</sup> Сайловларни халқаро кузатиш принципларининг декларацияси ва халқаро кузатувчиларнинг сайловларни кузатиш бўйича ахлоқ қоидалари тўплами. // Халқаро сайлов стандартлари ва сайловларни кузатиш: ҳужжатлар ва материаллар тўплами / М.Э. Абдусаломов, А.Х. Саидов, Ж. Садиқов, Н.Н. Нурматов. – Тошкент: Baktria press, 2014. – 30-б.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида иштирокчи-давлатлар президент ва парламент сайловларида, шунингдек референдумларида МДХ кузатувчилари миссияси тўғрисидаги низом;

4. МДХ иштирокчи-давлатлари Парламентлараро Ассамблеясининг 2008 йил 25 ноябрда маъқулланган «Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида сайлов ва референдумларни халқаро кузатиш принциплари тўғрисида»ги Декларация. Хужжат еттига принципга асосланган – суверенитетга нисбатан ҳурмат, профессионализм, очиқлик, универсаллик, амалий ёрдам кўрсатиш, ҳамжиҳатлик ва беғаразлик. Улар МДХ барча мамлакатларининг коллегиял органлари томонидан ишлаб чиқилган. Мазкур принципларнинг МДХ иштирокчи-давлатлари Парламентлараро Ассамблеяси томонидан тасдиқлангани уни келишилган сиёсий аҳдлашувга айлантиради.

5. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти аъзо-давлатлари Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 2006 йил 15 майдаги қарори билан тасдиқланган Президент ва ёки парламент сайловларида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотидан кузатувчилар миссияси тўғрисидаги низом.

**Сайловларни халқаро кузатиш** сайлов ўтказишга тааллуқли қонунлар, жараёнлар ва институтлар тўғрисида ҳамда сайлов ўтказишнинг умумий вазиятига тегишли бошқа омиллар ҳақида тизимли, ҳар томонлама ва батафсил ахборот тўплашни; бундай ахборотни ҳолисона ва малакали таҳлил қилишни; ахборот тўғрилиги ва таҳлил ҳолислигига нисбатан энг юксак стандартлар асосида ва сайлов жараёни хусусиятига нисбатан ҳулосалар билдирилишини назарда тутати.

Сайловларни кузатиш бўйича халқаро миссиялар ҳукуматлараро ва халқаро ноҳукумат ташкилотлар ва ассоциацияларнинг сайловларни халқаро кузатиш мақсадида уюшган ҳаракатлари ҳисобланади<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Сайловларни халқаро кузатиш принципларининг декларацияси ва халқаро кузатувчиларнинг сайловларни кузатиш бўйича ахлоқ қоидалари тўплами. // Халқаро сайлов стандартлари ва сайловларни кузатиш: ҳужжатлар ва материаллар тўплами / М.Э. Абдусаломов, А.Х. Саидов, Ж. Садиқов, Н.Н. Нурматов. – Тошкент: Baktria press, 2014. – 31-б.

**Халқаро кузатишнинг кўпроқ институтлаштирилган шакли халқаро, давлатлараро ташкилотлар ва ихтисослаштирилган органлар даражасида йўлга қўйилган.**

### **1. Халқаро, давлатлараро ташкилотлар:**

1992 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотида (БМТ) сайловларга кузатувчиларни юборишга даъват этилган махсус тузилма – **Сайловларни ўтказишда ёрдам кўрсатиш бўйича бўлим** ташкил этилган.

Сайловларни ўтказишда ёрдам кўрсатиш бўйича бўлим фаолиятининг асосий турлари куйидагиларни ўз ичига олади:

- ҳукуматларнинг сайловларни ўтказишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимосларини кўриб чиқиш;
- эҳтиёжларни баҳолаш бўйича миссияни юбориш;
- сайловларни ўтказишда ёрдам кўрсатиш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқишда ва улар билан боғлиқ тинчликпарвар амалиётлар (операциялар) компонентларини тузишда БМТ тизимининг бошқа ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш.

Сайловларни ўтказишда БМТнинг ёрдами иккита асосий йўналишга ажратилади:

1) сайловларни ўтказишда ёрдам кўрсатишнинг стандарт турлари;

2) одатда, тинчликни асраш бўйича комплекс амалиётлар (операциялар) шароитида амалга ошириладиган сайловларни ўтказиш бўйича йирик миссиялар.

1991 йилдан буён БМТга сайловларни ўтказишда ёрдам кўрсатиш тўғрисида давлатларнинг 100 дан ортиқ илтимоси келиб тушган. Бўлим тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳар бир мамлакатнинг индивидуал талабларини инобатга олиш зарур. Аъзо-давлатнинг аниқ илтимосини ҳисобга олган ҳолда унинг асосий талабларини қондириш учун тегишли мослашиш ва тузатишлар (корректировка) жараёнида ёрдамнинг куйидаги стандарт турлари қўлланиши мумкин:

- халқаро кузатувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш ва қўллаб-қувватлаш;
- техник ёрдам;

- миллий кузатувчилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш;
- чекланган кузатув («Кузатиш ва маъруза тақдим этиш»);
- сайловларни ўтказиш бўйича йирик миссиялар;
- сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш;
- сайлов жараёнлари юзасидан назорат.

1949 йил 5 майда тузилган Европа Кенгаши Парламент Ассамблеяси (ЕКПА) маслаҳат функцияларига эга ва Уставга мувофиқ Европа Кенгаши ваколатига кирувчи ҳар қандай масалани муҳокама қилиш ваколатига эга. Европа Кенгаши Парламент Ассамблеяси Европа Кенгашида ишлаб чиқиладиган барча халқаро конвенциялар юзасидан хулосалар қабул қилади.

**Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси** (ЕХХТ ДИИХБ) фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ЕХХТнинг сайлов соҳасидаги мажбуриятларига риоя этишини баҳолаш, шунингдек электорал жараёнларни такомиллаштириш юзасидан ёрдам кўрсатиш мақсадида сайловларни кузатиш ҳисобланади.

1990 йилнинг ноябрида ЕХХКнинг Парижда ўтказилган Конференциясида «Янги Европа учун Париж хартияси» якуний ҳужжати қабул қилинди. Унга мувофиқ иштирокчи-давлатлар штаб-квартираси Варшава шаҳрида жойлашган «Алоқага ва иштирокчи-давлатлардаги сайловлар тўғрисида ахборот алмашинувига кўмаклашиш учун эркин сайловлар бўйича бюро»ни ташкил этиш мажбуриятини олди, 1992 йилда мазкур Бюро номи Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюро деб ўзгартирилди, унинг вазифалари инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ бошқа соҳалар бўйича ҳам кенгайтирилди.

Ўтган йиллар давомида ЕХХТ ДИИХБ барча 57 та аъзо-давлатларда 300 дан ортиқ сайловлар кузатувини ўтказди, уларнинг 171 таси парламент, 77 таси президент сайловлари, шунингдек 60 таси референдум ва маҳаллий вакиллик органларига сайловлардир. Мазкур миссиялар ишида ЕХХТга аъзо барча иштирокчи-давлатлардан 50 минг нафардан ортиқ эксперт иштирок этди.

2006 йил 10 февралда **Демократия, парламентаризм ривожланишини ва МДХ Парламентлараро Ассамблеяси иштирокчи-давлатлари фуқароларининг сайлов ҳуқуқига риоя этилишини мониторинг қилиш халқаро институти (МДХ ПА ДРМХИ)** таъсис этилди.

Институтнинг вазифалари Ҳамдўстликка аъзо-давлатлар ва бошқа давлатлар сайловларини мониторинг қилиш, сайлов қонунчилигини таҳлил қилиш ва сайловларни кузатиш асосида тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

МДХ ПА ДРМХИ тузилган пайтдан бошлаб унинг ходимлари ва экспертлари МДХ ПАнинг барча иштирокчи-давлатлари, шунингдек бошқа мамлакатларда МДХ ПАдан халқаро кузатувчилар гуруҳлари ишини услубий ва ташкилий қўллаб-қувватлашни таъминламақда.

Тажриба алмашиш ва электорал муаммолар билан боғлиқ кенг доирадаги масалаларни муҳокама қилиш мақсадида институт халқаро конференциялар, семинарлар, давра суҳбатларини мунтазам ўтказиб келади. Уларда парламентлар аъзолари, марказий сайлов комиссиялари раислари ҳамда аъзолари, ихтисослашган халқаро ташкилотлар раҳбарлари, шунингдек сайлов қонунчилиги соҳаси экспертлари иштирок этади.

Ахборот алмашиш, МДХ иштирокчи-давлатларида демократия, парламентаризм ривожланишини ва фуқароларнинг сайлов ҳуқуқига риоя этилиши бўйича тажрибаларни умумлаштириш мақсадида МДХ ПА ДРМХИнинг Боку, Ереван, Бишкек, Кишинев ва Киев шаҳарларида филиаллари ташкил этилган.

Сайловларни кузатиш, конференция ва семинарлар ўтказиш натижалари бўйича ДРМХИ мониторинг ҳужжатлари, кузатувчиларнинг мақола ва интервьюлари, МДХ ПА давлатларида сайлов тизимлари ва сайловлар тарихига оид материаллар, конференция ва семинарлар иштирокчилари маърузаларини ўз ичига олган рисоалар чиқаради. Шунингдек, «Ҳамдўстлик давлатларида сайлов жараёнлари» туркуми доирасида ДРМХИ экспертларининг Ҳамдўстлик



худудиди халқаро сайлов стандартларига риоя этилиши ва демократиянинг ривожланиши мониторингига бағишланган монографиялари чоп этилади.

**Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШҲТ)** 2001 йилда Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон раҳбарлари томонидан асос солинган, доимий фаолият юритувчи минтақавий халқаро ташкилотдир.

ШҲТ 2006 йилдан буён Ташкилотга аъзо-давлатларда сайловларни кузатишни амалга оширади.

**Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти (ИҲТ)** мусулмон давлатлари ўртасида ҳамкорлик, халқаро аренадаги фаолиятда биргаликда иштирок этиш, иштирокчи мамлакатларнинг барқарор ривожланишига эришиш мақсадида 1969 йил 25 сентябрда ташкил этилган (2011 йилга қадар Ислом Конференцияси Ташкилоти (ИКТ) деб номланган).

## **2. Ихтисослаштирилган органлар:**

**Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси (БСОА)** 2013 йил октябрда бутун дунё бўйлаб эркинлик, транспарентлик ва сайлов жараёнларида иштирок этиш ҳолатларини самарали ёйиш мақсадида асос солинган халқаро ташкилотдир. БСОАнинг фаолияти демократик сайловларни ташкил этиш ва сайлов жараёнларидаги сўнги воқеликларни кузатиш, шунингдек сайловларни ўтказиш учун масъул бўлган органлар ўртасида тажриба ва амалиёт алмашинувини йўлга қўйишга кўмаклашишга қаратилган. Бугунги кунда 106 та сайлов органи, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси БСОА аъзоси ҳисобланади.

## **Хорижий давлатларнинг сайлов органлари**

Сайлов органлари деганда, сайловларни амалга ошириш учун тайёргарлик ва ташкилий ишлар билан шуғулланиш, сайлов қонунчилиги ижроси бўйича фаолиятни амалга ошириш, берилган овозларни санаб чиқиш ва сайлов натижаларини расман эълон қилиш ваколатига эга бўлган давлат органлари тушунилади. Кўплаб замонавий мамлакатларда сайлов органлари мустақил, бошқа давлат

институтларидан алоҳида, ўзларига қонун билан юклатилган вазибаларни бажарувчи орган сифатида тузилади<sup>1</sup>.

Турли хорижий давлатларда сайловларни ташкил этишга нисбатан турлича ёндашувлар қўлланилади. АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларида сайловларни ташкил этиш ижро ҳокимияти зиммасига юклатилган, Шарқий Европа мамлакатлари ва МДХ давлатларида эса сайловларни ташкил этиш сайлов комиссиялари зиммасидадир.

### **Хорижий давлатлардан кузатувчилар**

Хорижий кузатувчилар сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш, шу жумладан овоз бериш, овозларни санаб чиқиш, сайлов натижаларини аниқлаш жараёнларини кузатувчи хорижий давлатлар вакиллариدير.

Хорижий давлатлардан кузатувчиларга экспертлар ва мутахассислар, шунингдек сайлов ҳукуқи, давлат ва жамият бошқаруви соҳаси тадқиқотчилари киради.

Жумладан, булар таниқли ва обрўли ҳуқуқшунослар, сиёсатшунос олимлар, давлат органлари мансабдор шахслари, ОАВ ва жамоат ташкилотлари вакиллари, миллий парламентлар аъзолари, тижорат тузилмалари раҳбарлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган дипломатик корпус вакиллариدير.

Сайловларни кузатиш босқичлари:

Кейинги йилларда сайлов жараёнлари мониторинги сезиларли даражада кенгайди ва бугун шу жиҳат умум-этироф этилмоқдаки, сайловларнинг холислиги сайловгача, ундан кейин ва сайлов кунида юз берадиган воқеликларга бирдек боғлиқдир.

Демократия учун сайлов орқали Европа комиссиясининг (Венеция комиссияси) Сайловларда кузатувчиларнинг халқаро этироф этилган мақомига кўра бошқарув принципларига мувофиқ сайловларни кузатиш уч босқичга бўлиниши мумкин:

---

<sup>1</sup> Сравнительное избирательное право: Учебное пособие. – С 75 М.: Издательство НОРМА, 2003. – 208 с. – (Издательский проект «Зарубежное и сравнительное избирательное право»).

## **1. Овоз беришгача бўлган босқич.**

Кузатувчиларга сайлов тўғрисидаги қонунчиликни халқаро сайлов стандартларига мувофиқ уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали такомиллаштириш жараёнини баҳолаш имконияти берилиши лозим.

Сайлов кунигача бўлган кузатув ҳам сайлов жараёнининг бошқа кўплаб соҳаларида амалга оширилиши керак, токи барча партиялар ва номзодлар учун имкониятлар тенглиги ва кузатувга бўлган бундай ҳуқуқ қонун асосида қафолатланган бўлсин.

Сайлов кунигача бўлган босқич баҳолашнинг қуйидаги соҳаларини қамраб олади:

- 1) сиёсий контекст;
- 2) юридик чегаралар (шу жумладан, сайлов тизими ва сайлов округларини чегаралаштириш);
- 3) сайлов жараёнини бошқариш;
- 4) сайловчиларни рўйхатга олиш ва сайловчилар рўйхатини юритиш;
- 5) сиёсий партиялар ва номзодларни рўйхатга олиш;
- 6) сайлов кампанияларини молиялаштириш;
- 7) сайлов кампаниялари доирасидаги тадбирлар;
- 8) сайловгача бўлган босқичда шикоятларни кўриб чиқиш;
- 9) давлат ва хусусий ОАВни мониторинг қилиш;
- 10) фикр билдириш эркинлиги ва янада кенг маънода демократик сайловлар ўтказиш учун зарур бўлган асосий эркинликлар;
- 11) инсон ҳуқуқлари (шу жумладан, хотин-қизлар ва озчиликнинг иштироки);
- 12) фуқаролик жамиятининг роли.

## **2. Сайлов куни босқичи.**

Овоз бериш босқичи овоз бериш жараёни, шу жумладан унинг очилиши ва ёпилишидан иборат.

Шунингдек, овоз бериш босқичи ҳар қандай махсус гуруҳлар (ҳарбий хизматчилар, тиббиёт муассасаларига жойлаштирилган шахслар, шунингдек имконияти чекланган шахслар) овоз беришини ҳам қамраб олиши керак. Овоз бериш босқичи электрон, почта, ишончнома орқали,

мобиль телефони ва мuddатидан илгари овоз беришни ҳам қамраб олиши зарур.

### **3. Сайловдан кейинги босқич.**

Овоз бериш кунидан кейин натижаларни текшириш ва сайланган номзодлар ҳамда сиёсий партияларни аниқлашга қаратилган бир қатор жараёнлар амалга оширилади. Бу жараёнлар қонун асосида амалга оширилиши зарур.

Овоз беришдан кейинги босқич баҳолашнинг куйидаги соҳаларини қамраб олади:

- 1) овозларни санаб чиқиш жараёни;
- 2) натижаларни солиштириш жараёни;
- 3) дастлабки натижаларни тақдим этиш ва эълон қилиш;
- 4) шикоят ва эътирозларни кўриб чиқиш таомиллари;
- 5) якуний натижаларни эълон қилиш;
- 6) сайланган шахслар томонидан ўз лавозимларининг эгалланиши.

### **Халқаро кузатувчилар учун ахлоқ қоидалари**

Ўз ишининг легитимлигини таъминлаш учун халқаро кузатувчилар бутун дунёда эътироф этилган ахлоқ стандартларига риоя этишлари шарт. Халқаро кузатувлар бўйича ихтисослашган бир қанча ташкилотлар кузатувчилар учун ахлоқ кодексини ишлаб чиққан. Ахлоқий ва профессионал кузатувларга нисбатан асосий талаблар куйидагилардан иборат:

**Қабул қилувчи мамлакат суверенитетини ҳурмат қилиш.** Ўз миссиясининг ҳаққонийлиги ва самарадорлигини сақлаб қолиш учун халқаро кузатувчилар қабул қилувчи мамлакат қонунларини унинг сайловларни бошқарувчи органи қоидаларини ҳурмат қилишлари зарур. Улар мансабдор шахсларга кўрсатмалар бермасликлари, кузатилаётган мамлакат ҳукуматлари ишига ва бизнесига аралашмасликлари керак. Шунингдек, улар ўз миссиялари давомида аккредитация қоидаларини ҳурмат қилишлари лозим;

**Объективлик.** Халқаро кузатув холис бўлиши шарт. Объективлик миссия ишининг ҳаққонийлигини ҳимоя қилади ва сайлов жараёнининг софлигини сақлашга ёрдам беради. Ўз ишларини бажариш чоғида кузатувчилар эҳтиёткор бўлишлари зарур, токи бирон-бир номзод ёки

партияга мойиллик намоён бўлмасин, акс ҳолда улар холис ҳисоботлар тайёрлаш учун зарур бўлган объективликни шубҳа остида қолдирадилар;

**Сайлов жараёнларига аралашмаслик.** Халқаро кузатувчилар сайловни бошқариш бўйича органлар ишларига аралашмаслиги керак. Уларнинг мажбурияти назорат қилиш, хатоларни тузатиш ёки маҳаллий ихтилофларни ҳал қилиш эмас, балки кузатишдир;

**Аниқлик.** Кузатув ва баҳолашнинг ҳаққонийлиги халқаро кузатувчилар маълум қиладиган фактларнинг аниқлигига боғлиқ. Кўпчилик кузатувчилар сайловнинг барча жараёнларини кузатиш имконига эга бўлмайдилар, бинобарин, улар чекланган кузатув асосида тайёрланган умумлашмалардан тийилиши лозим. Ҳисоботларда маълум қилинаётган ахборот аниқ асосланиши ва аниқланган муаммолар тасдиқланган бўлиши керак;

**Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш.** Сайловларни кузатиш сайловга техник кўмак кўрсатишдан қатъиян ажратилган бўлиши зарур. Халқаро кузатувчилар улар ташриф буюрган мамлакатдаги сайловларга кўмаклашишга жалб қилинмаслиги керак (мисол учун, сайлов комиссияларига кўмаклашиш, улар аъзоларини тайёрлаш, сайлов қонунчилигини ривожлантириш). Сайлов жараёнини профессионал ва ҳаққоний баҳолаш учун сайлов бошқарувидан узоқда туриш талаб этилади.

**Ўзбекистон Республикасида халқаро кузатувчилар фаолиятининг ҳуқуқий мақоми.**

Гарчи халқаро кузатувчиларни ўз ҳудудига киритадиган мамлакатлар сони дунёда кўп бўлса-да, қонунчилигида халқаро кузатувчиларнинг миллий сайловлардаги иштирокига оид нормаларни мустаҳкамлаган давлатлар камчиликни ташкил этади.

Жумладан, ДИИХБ маълумотларига кўра,<sup>1</sup> ЕХХТнинг қатор иштирокчи-давлатлари гарчи, доим ҳар томонлама бўлмаса-да, қонунчиликда сайловларни кузатишни назарда

---

<sup>1</sup> Обзор избирательного законодательства и практики государств – участников ОБСЕ. – Варшава: Бюро по демократическим институтам и правам человека, 15 октября 2013 года. – 71 с.

тутган. Мисол учун, Финляндияда халқаро кузатувчилар назарда тутилмаган. Андорра, Кипр, Дания, Эстония, Франция, Греция, Венгрия, Ирландия, Литва, Монако, Сан-Марино, Сербия, Словения, Испания, Швеция, Швейцария, Туркия ва Америка Қўшма Штатлари (федерал даражада) каби бошқа мамлакатларда аксарият ҳолларда сиёсий партиялардан кузатувчилар ҳақидаги нормаларни ҳисобга олмаганда, сайловларни кузатишнинг ҳуқуқий асослари умуман мавжуд эмас.

Айрим ҳолларда ҳуқуқий қоидаларнинг аниқ эмаслиги ва/ёки сайлов жараёнларининг барча жиҳатларини кузатиш учун етарли эмаслиги кузатилади. Бундай ҳолат Белоруссия (имзоларнинг ҳақиқийлигини текширишни кузатиш), Болгария (сайловолди даврида Марказий сайлов комиссиялари мажлисларида иштирок этиш), Руминия (сайловгача ва сайловдан кейин кузатувчиларнинг ҳуқуқлари), собиқ Югославия Республикаси таркибида бўлган Македония (натижалар тўғрисидаги баённомаларни олиш), Россия (кузатувчилар фаолиятининг асосий соҳалари асосан муддатидан олдин овоз бериш ва сайлов кuni билан чекланган), Словакия (кузатувчилар иштироки ҳақидаги батафсил қоидаларнинг мавжуд эмаслиги), Бирлашган Қироллик (сайлов жараёнининг муайян босқичини, жумладан сайловчиларни рўйхатга олишни кузатиш билан чекланиш), Украина (натижалар тўғрисидаги баённомаларни олиш) давлатлари қонунчилигига хосдир. Бундан ташқари, Арманистон, Босния ва Герцеговина, Хорватия, Эстония, Франция, Грузия, Қозоғистон, Латвия, Словакия ва Украинада бирмунча кенг ҳуқуқий камчиликлар кўзга ташланган.

Ўз навбатида, Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилиги сайловларда хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлар вакиллариининг кузатувчи сифатида иштирок этиш имкониятини назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимаси ва 17-моддасида «халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари устуниги» тан олинади<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2014. 3–8б.

Ўзбекистоннинг Асосий қонунида миллий сайлов тизими шакллантиришда халқаро ҳуқуқ нормалари устунлиги принципини мустаҳкамлаб, халқаро (хорижий) кузатув соҳасидаги халқаро сайлов стандартларининг асосий талабларига таянди.

Юқорида кўрсатилган халқаро ҳужжатларнинг асосий қоидалари Ўзбекистон сайлов қонунчилигида акс эттирилган. Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар<sup>1</sup>.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (2015 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-396-сонли) Қонун билан «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга тегишли ўзгартишлар киритилди. Жумладан, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчиларга Марказий сайлов комиссияси томонидан мандат берилиши белгилаб қўйилди.

Марказий сайлов комиссиясининг 2016 йил 15 сентябрдаги 734-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашадиган халқаро ва хорижий кузатувчилар тўғрисида низом тасдиқланди. Унда халқаро (хорижий) кузатувчиларнинг сайловда иштирок этиши билан боғлиқ муҳим масалалар, жумладан уларни таклиф қилиш, рўйхатдан ўтказиш, ваколатлари, фаолият тартиби белгиланди.

### **Халқаро ва хорижий кузатувчиларни таклиф этиш ва рўйхатдан ўтказиш:**

Сайлов кампанияси эълон қилинганидан кейин Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида (ўзбек ва рус тилларида) Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. – Тошкент: «O'zbekiston», 2016. – 72 б.

ишлар вазирлиги орқали халқаро (хорижий) кузатувчиларга таклифнома юборади.

Хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлар ҳам сайловда халқаро (хорижий) кузатувчи сифатида иштирок этиш истагини баён қилиб, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига мурожаат этиши мумкин.

Сайловда кузатувчи сифатида иштирок этиш истагини билдирган хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлар ўз кузатувчилари тўғрисида уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаларини ва тегишли шаклдаги анкеталарни илова қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига маълум қиладилар. Жумладан, анкетада қуйидаги ахборот ақс этган бўлиши лозим: халқаро (хорижий) кузатувчининг фамилияси, исми, шарифи; туғилган вақти ва жойи; фуқаролиги; шахсни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси; маълумоти; қайси хорижий тилларни билиши; иш жойи ва лавозими; халқаро (хорижий) кузатувчи вакили бўлган ташкилот номи; алоқага чиқиш учун маълумотлар; халқаро (хорижий) кузатувчи сифатидаги иш тажрибасининг мавжудлиги ва бошқа маълумотлар.

Хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатларнинг мурожаатлари, қоида тариқасида, овоз бериш кунидан камида ўн беш кун олдин тақдим этилиши лозим.

Тегисли ҳужжатлар илова қилинган хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатларнинг мурожаатларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Марказий сайлов комиссиясига юборади, Марказий сайлов комиссияси беш кунлик муддат ичида халқаро (хорижий) кузатувчиларни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарорга асосан Марказий сайлов комиссияси халқаро (хорижий) кузатувчиларга улар Ўзбекистон Республикасига келиши билан белгиланган шаклдаги мандатни беради.

Мазкур мандат халқаро (хорижий) кузатувчиларнинг ўз фаолиятларини амалга оширишлари учун асос ҳисобланади.



### **Кузатувни амалга ошириш муддати:**

Халқаро (хорижий) кузатувчи ваколатларининг муддати у Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида рўйхатга олинган кундан бошланади ва сайлов натижалари расман эълон қилинган кунда тугайди. Марказий сайлов комиссияси томонидан такрорий сайлов ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинганда халқаро (хорижий) кузатувчилар мандатининг амал қилиш муддати узайтирилади.

### **Халқаро кузатувчининг ваколатлари:**

Халқаро (хорижий) кузатувчилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш бўйича йиғилишларда, сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш;

сайлов участкасида ҳозир бўлиш ҳамда сайловга тайёргарлик ишларининг боришини, овоз бериш учун сайлов кутилариининг жойлаштирилиши ва муҳрланишини, фуқароларга сайлов бюллетенларининг берилишини кузатиш;

овозларни санаб чиқишда ва участка сайлов комиссиясининг баённомасини тузишда ҳозир бўлиш;

сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган нусхаларини сўраб олиш;

агар сайлов участкасида «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонун бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асос бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида юқори сайлов комиссиясига маълум қилиш;

ўз кузатувлари тўғрисида сайлов комиссиялари вакиллари уларнинг ишига аралашмаган ҳолда хабардор қилиш;

Марказий сайлов комиссиясини хабардор қилган ҳолда матбуот анжуманлари ўтказиш ва оммавий ахборот воситалари вакилларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Халқаро ва хорижий кузатувчилар қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланадилар.

Халқаро ва хорижий кузатувчилар:

ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг

карорларига, сайловни ташкил этиш ва ўтказиш борасидаги халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари ва нормаларига амал қилишга;

барча даражадаги сайлов комиссияларига, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ва бошқа ташкилотларга ташриф буюрганларида ёнларида уларга берилган мандатни ҳамда шахсни тасдиқловчи ҳужжатни олиб юриш ва мансабдор шахслар талабига мувофиқ уни кўрсатишга;

ўз вазифаларини сиёсий бетарафлик, беғаразлик принципларига риоя қилган ҳолда бажаришга, қандай бўлмасин, сайлов, давлат ва бошқа органлар, мансабдор шахслар, сайлов жараёни иштирокчиларига мойиллик намоён қилмасликка;

сайлов жараёнига аралашмасликка;

ўз хулосаларини ўтказилган кузатув ва ҳаққоний материаллар билан асослашга;

овоз бериш вақти тугагунига қадар фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдиришларига таъсир қилиши мумкин бўлган дастлабки фикр-мулоҳазаларни баён қилмасликка мажбурдирлар.

Халқаро (хорижий) кузатувчиларга қуйидагилар ман этилади:

сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда овоз бериш кабинасида бўлиш;

сайловчиларга таъсир ўтказиш, бирон-бир ташвиқот материали ёки адабиётини тарқатиш;

сайловчилардан улар кимни ёқлаб овоз берганликларини суриштириш ёки сайловчиларга бюллетенга белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш;

участка сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан сайлов қутилариини пломбалашда, уларни очишда, овозларни санаб чиқишда аралаштиш.

Халқаро (хорижий) кузатувчилар ўз мақомидан сайловнинг боришини кузатишга боғлиқ бўлмаган фаолиятни амалга оширишда фойдаланишга ҳақли эмас.

**Ўзбекистон Республикасида сайловларни кузатиш:**

Ўзбекистонда сайловларни ўтказиш жараёнида хорижий кузатувчиларга ўз фаолиятларини амалга оширишлари учун

зарур шарт-шароитлар, сайлов конунчилигини ўрганиш, Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари иши билан танишиш ва улардан сайлов жараёнига оид зарур маълумотларни олиш имконияти яратилади.

ЕХХТ ДИИХБ миссиялари Ўзбекистон Республикасида 1999, 2004 ва 2009 йилларда ўтказилган парламент сайловлари ва 2007, 2015 йиллардаги президент сайловларини кузатган.

1999 йилнинг 15 ноябридан 10 декабригача элчи Маделейн Строе-Вилкенс (Швеция) раҳбарлигидаги Парламент сайловини баҳолаш бўйича чекланган миссия фаолият олиб борди.

Миссия доирасида ЕХХТга аъзо 11 та мамлакатдан 19 нафар кузатувчи Ўзбекистонга ташриф буюрди ва Андижон, Бухоро, Фарғона, Қарши, Наманган, Нукус, Самарқанд, Тошкент, Термиз ва Урганч шаҳарларида кузатувлар олиб борди.

2004 йилдаги парламент сайловини кузатиш учун ЕХХТ ДИИХБ Парламент сайловини баҳолаш бўйича иккинчи чекланган миссияни Ўзбекистонга жўнатди. Миссияга элчи Любомир Копай (Словакия) раҳбарлик қилди. Миссия таркибига ЕХХТнинг 14 та аъзо-давлатидан 21 нафар эксперт-кузатувчи киритилди. Миссия штатида Тошкент шаҳридаги бош офисга жойлаштирилган 9 нафар халқаро ходим, шунингдек ҳудудларда бўлиб турган 12 нафар узоқ муддатли кузатувчилар кирди. Миссия 2004 йилнинг 1 декабридан 30 декабрига қадар Бухоро, Фарғона, Қарши, Нукус, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида кузатув олиб борди.

2009 йилнинг 3–31 декабрь кунлари ЕХХТ ДИИХБ Парламент сайловини баҳолаш бўйича миссияси Ўзбекистонда бўлди.

Миссияга элчи Иоланда Брунетти (Италия) раҳбарлик қилди. Миссия таркибига ЕХХТнинг 13 та аъзо-давлатидан 14 нафар халқаро эксперт ва техник ходимлар киритилди.

Миссия иши давомида экспертлар Тошкент шаҳри ва мамлакат минтақаларида давлат органлари вакиллари, депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, шунингдек суд органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва ОАВ вакиллари билан учрашувлар ўтказди.

ЕХХТ ДИИХБдан ташқари 2009 йилдаги парламент сайловини МДХ, ШХТ ва ИХТ каби халқаро ташкилотлар миссиялари ҳам кузатди. Бунда Ўзбекистонга 36 та давлатдан 270 нафардан зиёд кузатувчи ташриф буюрди.

2014 йилдаги парламент сайловини халқаро кузатишни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасига ЕХХТ ДИИХБ (21 нафар), МДХ Ижроия кўмитаси (19 нафар), ШХТ (14 нафар), ИХТ (9 нафар), БСОА (2 нафар) каби халқаро ташкилотлар миссиялари таркибида 334 нафар кузатувчи ташриф буюрди.

Таъкидлаш лозимки, халқаро ва хорижий кузатувчиларни таклиф этиш масаласини кўриб чиқишда уларнинг профессионалиги ва сайловни кузатиш борасидаги тажрибаларига биринчи даражали эътибор қаратилди. Сифат таркиби таҳлили шундан далолат берадики, 52 та давлатдан 260 нафар кузатувчининг 85 нафари олим ва сиёсатчилар, 46 нафари жамоат ташкилотлари, 34 нафари сайлов органлари вакиллари, 33 нафари миллий парламентлар аъзолари, 24 нафари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мансабдор шахслари, 20 нафари ОАВ вакиллари, 18 нафари тижорат тузилмалари раҳбарларидир.

Шу муносабат билан халқаро ва хорижий кузатувчилар 2014 йилги сайлов кампаниясини кузатиш масаласига профессионал тарзда ва масъулият билан ёндашдилар ҳамда Ўзбекистон томони вакиллари билан икки томонлама ва кўп томонлама алоқаларни юқори даражада ўрнатишга ҳаракат қилдилар. Сайлов жараёнларини кузатиш давомида халқаро ташкилотларнинг барча миссиялари томонидан Марказий сайлов комиссияси, турли вазирлик ва идоралар, илмий муассасалар, нодавлат ноижорат ташкилотлар ҳамда мамлакатдаги сиёсий партиялар вакиллари билан 200 га яқин учрашувлар ўтказилди.

2015 йилдаги президент сайловида Америка, Европа, Осиё ва Африканинг 43 та мамлакатидан, шунингдек бешта халқаро ташкилот – МДХ (29 нафар), ЕХХТ ДИИХБ (23 нафар), ШХТ (12 нафар), ИХТ (9 нафар) ва БСОА (3 нафар)дан 299 нафар кузатувчи иштирок этди. 43 та давлатдан 213 нафар кузатувчининг 91 нафари олим ва сиёсатчилар, 35 нафари жамоат ташкилотлари, 24 нафари миллий парламентлар аъзолари, 22 нафари сайлов органлари вакиллари, 19 нафари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мансабдор шахслари, 14 нафари ОАВ вакиллари, 8 нафари тижорат тузилмалари раҳбарларидир.

Умуман олганда, халқаро (хорижий) кузатув институти сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг очиқлиги, ошкоралигига, бошқа давлатларнинг турлича амалиёти ва сайлов тизимларини ўрганиш воситасида тажриба алмашишга, хорижий давлатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга кўмаклашади.

---

---

## **УЧАСТИЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ (ИНОСТРАННЫХ) НАБЛЮДАТЕЛЕЙ В ВЫБОРАХ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН**

Осуществление наблюдения за выборами играет важную роль в процессах содействия демократическим преобразованиям. Выборы являются неотъемлемым элементом демократии, поэтому установление общественного доверия к избирательным процессам является важнейшим условием формирования демократического государства. Кроме того, обеспечение открытости и прозрачности избирательного процесса в соответствии с действующим законодательством и международными стандартами выступает неотъемлемым элементом правового государства. Широкое признание во всем мире получило международное (иностранное) наблюдение за выборами, которое играет важную роль в обеспечении гласности при подготовке и проведении выборов.

Практическая значимость проведения мониторинга выборных процессов состоит в том, что в ходе наблюдения изучаются проблемы, возникающие в процессе проведения выборов, в частности различные нарушения избирательного законодательства. На основе полученных результатов вырабатываются соответствующие предложения и рекомендации, направленные на устранение выявленных недостатков.

Таким образом, основной целью мониторинга за выборными процессами является обеспечение проведения выборов на демократической основе и в полном соответствии с национальным законодательством и международными стандартами.

